



### **Савол:**

Сурати бор кийим ёки бошқа нарсаларни ишлатишнинг ҳукми нима?

### **Жавоб:**

Жонли суратлар бор нарсаларни кийиш, осиб кўйиш ва деворларга парда килиш харомдир. Оиша онамиз -розияллоху анхо- дан келган хадис бунга далил. Оиша онамиз -розияллоху анхо- суратлари бор пардани маҳкамлаб кўйган эдилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кирдилар-да уни олиб ташладилар. Талха деди: Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг «**Ит ёки сурат бор уйга фаришталар кирмайди**» деганини эшитдим.

Оиша -розияллоху анхо- дан ривоят килинди : Албатта Набий саллаллоху алайхи ва саллам хоч сурати бор нарсаларни бузмай кўймасдилар. Бухорий ривояти.